Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 17 ИЮНЬ, ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (13.459)

Баҳоси эркин нархда

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 16 июнь куни пойтахтимизнинг Учтепа туманида бўлди.

Президентимиз туманда бунёд этилиши режалаштирилаётган кўнгилочар ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди.

Қарийб олти гектар майдонни эгаллаган мазкур истироҳат боғида замонавий, хавфсиз, энергиятежамкор аттракционлар, болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширадиган ўйин қурилмалари, сузиш ҳавзаси, фаввора, китобхонлик учун махсус жой, скейт ва гуллар майдончалари, савдо шохобчалари, автомобиллар турадиган жой ва бошқа зарур инфратузилма иншоотлари қурилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев истироҳат боғи лойиҳасини янада такомиллаштириш, замонавий гипермаркет бунёд этиш, унда кинотеатр, кутубхона ва бошқа зарур дам олиш масканлари бўлиши, бунёдкорлик ишларида Жанубий Корея, Япония каби давлатлар тажрибасидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Учтепа туманидаги 78-мактаб 1967 йилда қурилган. Мактабни қайта таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш режалаштирилмоқда. Президентимиз мазкур мактабни бориб кўрди.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг замонавий билим олиши, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз мактаб билан коллежлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш, хусусан, ушбу мактабда тажриба сифатида 11 йиллик таълимни қайта тиклаш, унинг қошида ўқув-касб курси ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Юқори синфларда болалар шахс бўлиб, жамоа бўлиб шаклланади, деди давлатимиз раҳбари. Айни ўша пайтда уларни ўзлари ўрганган муҳитдан ажратиб қўймаслик керак. Бу ёшларнинг руҳиятига, давоматига, охир-оқибатда таълим-тарбиясига салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис таълим жараёни узлуксизлигини таъминлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш зарур.

Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқида ёш авлод тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

"Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан", деди, жумладан, Президентимиз.

Бу вазифалар мактаб, оила, маҳалла, бутун жамоатчиликка катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари – мактабгача таълим, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, янги муассасалар бунёд этиш ва мавжудларини таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ёшлар камолотида ўз самарасини беради.

Шу ерда 1-синф ўқувчиларига бериладиган "Президент совғаси" жамланмаси, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бадиий адабиётлар, халқ таълими муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш режаси намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари туманнинг Ватанпарвар маҳалласидаги "Ватанпарвар иноқ коммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти билан танишди.

2010 йилда ташкил этилган ушбу ширкат тумандаги намунали хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан бири. Ширкат жойлашган 38-уйнинг кириш йўлаклари замонавий услубда таъмирланган, уйга туташ ҳудуд ободонлаштирилган. Кўп қаватли уйнинг олд қисми ва йўлакларга видеокузатув ўрнатилган. 60 хонадонга хизмат кўрсатувчи ширкатда коммунал тарифлар аҳоли учун қулай нархларда ишлаб чиқилган.

Ширкатнинг ўз маблағи ҳисобидан уч йил илгари уйнинг том қисми мукаммал таъмирланган, йўлакларга замонавий эшиклар ўрнатилган. Уй олдида қурилган автотураржой шу ерда яшовчи аҳолига бепул хизмат кўрсатади. Турли аттракционлар, ўйин қурилмалари ўрнатилган болалар майдончаси нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам баҳри дилини очади.

Президентимиз хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари ва шу ерда яшовчилар билан ширкат фаолияти, кўп хонадонли турар жойларда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди. Ширкат ходимлари ва хонадон соҳибларининг меҳнати билан обод масканга айланган бундай ширкатлар тажрибасини ўрганиш, уни бошқа туманларда ҳам кенг оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ишлайман, яратаман, деган одамга аслида кўп нарсанинг кераги йўқ, деди давлатимиз раҳбари. Оддий қўл меҳнати, кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан ўзи яшаётган ҳудудни шундай саранжом-сариштa, файзли масканга айлантираётган юртдошларимиз кўпайиб бораётгани бизни қувонтиради.

Учтепа туманидаги собиқ "Сигнал" заводининг умумий майдони 5,1 гектар бўлиб, ҳудудда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудда бино ва иншоотлар, коммуникация тармоқлари мавжуд. Бу ерда амалга ошириладиган лойиҳаларни 2018 йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш белгиланган.

Бу ерда иш бошлайдиган кичик корхоналарда пластмасса маҳсулотлари, энергиятежамкор лампалар, трансформатор подстанциялари, тикув ва трикотаж маҳсулотлари, замонавий мебель каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 17 корхонада 400 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тижорат банклари томонидан ишлаб чиқариш корхоналарини молиялаштириш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Учтепа туманида 2017 йилда молиялаштириладиган лойиҳалар истиқболли экани билан диққатга молик. Тиббий хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари, кимё саноати, мебель, фармацевтика, чарм-пойабзал каби йўналишлардаги 70 га яқин лойиҳа бўйича 1000 га яқин иш ўрни яратилади. "Yurxas" МЧЖ томонидан газлама ва матоларни жаҳон андозалари даражасида бўяш цехи ишга туширилади. 2017 йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириладиган корхонада 60 иш ўрни яратилади.

"Baykal-KMU" МЧЖ ҳам жорий йил якунига қадар ўз фаолиятини бошлайди. Ер унумдорлигини ошириш учун "Байкал ЭМ-1" микробиологик ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхона маҳсулотларини Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон ва Покистонга экспорт қилиши кутилмоқда. "Avikon tex", "Urologic complex" масъулияти чекланган жамиятларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликлар профилактикаси бўйича тиббий хизматлар кўрсатилади.

"Ипотека-банк" иштирокида амалга оширилаётган лойиҳада мебель саноати учун декор қоғозлар ишлаб чиқарилади. Хитой ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатиладиган корхона 2018 йилда ишга тушурилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, банк иштирокида йилига 1 минг 200 тонна балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилади.

Йилига 148 тонна қувур ва 400 минг дона фитинг ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Art Dekor Group" МЧЖда 60 кишининг бандлиги таъминланади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унга бозор топиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимизга 2017 йилда Учтепа туманининг саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишидаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди. Маълумотларда соҳа йўналишлари, хизматлар тури, яратиладиган иш ўринлари, ажратиладиган маблағлар миқдори, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури ўз аксини топган.

Халқ банки томонидан молиялаштирилаётган "Artikor" МЧЖ тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада 60 иш ўрни яратилади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан саноат соҳасида 28, хизмат кўрсатиш соҳасида 17 лойиҳа молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимиз раислигида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида шаҳар, туман фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, бандликни таъминлаш, таълим масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қаршида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан бир қатор идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 14 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи 3 шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги Қораўзак иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 24 корхона-ташкилот ва фермер хўжалиги томонидан 107 бўш иш ўрни таклиф этилди. Тадбир давомида 50 битирувчи иш билан таъминланди.

• Бухорода "Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман" шиори остида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Ёш сиёсатчи – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловнинг қуйи босқичларида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 1 мингдан зиёд ёш иштирок этди. Улар орасидан саралланган 12 иштирокчи вилоят босқичига йўлланма олди ва ғалаба учун кураш олиб борди.

• Яккабоғ туманидаги "Яккабоғ воҳа текс" масъулияти чекланган жамияти пахта хомашёсидан юқори сифатли ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жорий йил апрель ойида иш бошлаган корхонада қисқа вақт ичида 150 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хориждан келтириб ўрнатилган замонавий дастгоҳлар йилига 3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

ЖАҲОНДА

• Олимлар янги харита тузишди. Унда Марс сайёрасини қисман сув қоплаганда қандай кўринишда бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Маълум бўлишича, сайёрада суюқлик тахмин қилинганидан 10 баробар кўп бўлган. Тадқиқотчилар Марс тупроғини махсус лазер ёрдамида таҳлил қилганидан сўнг шундай хулосага келишди. Бироқ экспертлар сайёра иқлими фаол гидрологик цикл учун ўта совуқ бўлган, деб ҳисобламоқда.

• Чилидаги шаҳталардан бирида 250 метр чуқурликда бахтсиз ҳодиса рўй бериши натижасида икки нафар кончи ҳалок бўлди.

• АҚШнинг Массачусетс штатида олимлар биринчи марта киборг ниначининг ҳаракатланувчи моделини намойиш қилишди. DragonflEye қурилмаси Чарльз Старк Дрейпер лабораториясида ишлаб чиқилган бўлиб, ёруғлик ёрдамида бошқарилади. Ёруғлик ниначининг орқасига жойлаштирилган қуёш батареясига қаратилади. Тадқиқотчилар келажакда киборг ҳашаротлар парвозини тўлиқ бошқаришга умид қилмоқда. Улар жосусликдан тортиб, ўсимликларни чанглантиришгача бўлган турли вазифаларни бажара олади.

ҚОНУНИЙЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ҳокимиятлар тизимида суд ҳокимиятининг самарали фаолиятини ташкил қилиш ва ўрнини белгилаш муаммоларининг долзарблиги ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг мазкур бўғини зиммасига юкланадиган вазифа билан белгиланади.

Суд ҳокимияти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва "умуман ҳуқуқ"ни ҳокимият ваколатларига эга мансабдор шахслар ҳамда давлат идораларининг ҳуқуққа зид бўлган ҳар қандай қарорлари, хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиши ва шу тариқа ҳуқуқнинг ҳукмронлигини таъминлаши лозим. Ўзбекистонда мана шундай ҳокимиятни вужудга келтириш суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва ислоҳ этишнинг асосий вазифасидир.

Бунда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзига хос ривожланишнинг янги концепциясини таклиф этди.

Ҳаракатлар стратегиясининг 2.5 банди айнан кўрсатиб ўтилган суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш кераклиги кўрсатилиб, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўришдангина иборат бўлмай, балки мазкур ҳолатларнинг ўз вақтида, барвақт олди олиниши, профилактика қилинишини таъминлаш ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда, уларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш таклиф қилинмоқда. Бунда энг асосий ва бирламчи мақсад сифатида айнан суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятига бўлган талабни кучайтириш, уларнинг фаолиятини бевосита халқ манфаатлари йўлига қаратиш, улар томонидан халқнинг ишончини қозонишини таъминлаш, бунга эса биринчи навбатда ушбу органларнинг ўзини ичидан қурашишни бошлаш, фақатгина шундай лавозимларга муносиб, ҳалол ва адолатли инсонларни ишлашини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Кўрсатилган мақсадларга эришишдаги асосий қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони намоён бўлиб, ушбу Фармон билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони билан давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида бир қатор устувор йўналишлар аниқ кўрсатиб ўтилган.

Мазкур вазифаларни амалга оширишнинг долзарб эканлигига ва уларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш масалаларига Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этишнинг долзарблиги ҳамда заруриятига тўхталиб ўтилган.

Маълумки, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш масаласи суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида энг муҳим масалалардан бири саналади.

Суд ҳуқуқ соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашнинг яна бир жиҳати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш масаласидир.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этишга доир идоравий назорат қилиш, минг афсуски етарлича самара бермаяпти. Бу соҳа илмий-техникавий воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бу каби технологияларнинг жорий этилиши соҳадаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини бажаришда масъулият билан ёндашишларини рағбатлантиради.

Ҳаракатлар стратегиясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари халқнинг ичида бўлишлари, уларнинг ўй-ташвишлари билан яшашлари ва албатта халқимизни давлатдан рози бўлиб яшашини ўзларининг бирламчи вазифалари деб билишлари лозим. Ҳар бир давлат хизматчиси шуни англаб етиши лозимки, улар фақатгина халқимиз учун фаолият олиб бормоқдалар, уларнинг муаммоларини ечилишида шахсан жавобгардирлар. Шу сабабли, ҳар бир давлат идораси раҳбари ҳар бир мурожаат қилган фуқароларни шахсан қабул қилиши, жамиятимиз ичига кириб бориши ва ўз қўл остидаги хизматчиларини назорат қилиб боришлари талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашувида "2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади. Бундан ташқари, вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб ойлик рейтинги тузиб борилади. Уларнинг фаолиятига рейтинг натижалари асосида баҳо берилади" деб таъкидлаган эди.

Мазкур чора-тадбирлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини, халқимизни давлатга, хусусан ҳокимият тузилмаларига ишончини мустаҳкамланишига, фуқароларимизда қонунга итоаткорлик руҳини мустаҳкамланишига ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини тўлиқ англашга хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида тўхталиб ўтилган масала саналади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш олий мақсад қилиб қўйилди. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири эса, жамият ва давлат ҳаётида қонун устуворлигининг сўзсиз тан олиниши, жамият аъзолари ўртасида юзага келадиган барча муносабатларда қонунларга бўлган ҳурматнинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси 2-қисмида "Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", деб қатъий белгилаб қўйилган. Шундай экан, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг ўрни қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаб қўйилиши ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегиясида жамоатчилик назорати механизмини яратиш орқали мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш лозимлиги назарда тутилади. Бунинг натижасида, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлайди. Қолаверса, жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожланишига, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтларининг мавқеини оширишга, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалишига, демократик қадриятларни халқимиз онги ва ҳаётига сингдиришга асос бўлади.

Жамоатчилик назорати механизмини жорий этиш ва ривожлантириш халқнинг ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилувчи органларига бўлган ишонч даражасини оширади, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди бу эса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминловчи энг асосий ҳимоячисига айлантиради.

Қайд этилганларнинг, хусусан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни мустаҳкамлашга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда қонун устуворлитини, шунингдек, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги, жамият ҳаётида қонунийлик ва адолатлилик тамойилларининг қарор топишини таъминлашга хизмат қилади.

Исломбек РУСТАМБЕКОВ,
Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоялаш борасидаги эзгу интилишлари барча юртдошларимизни Ватан равнақи йўлида масъулиятни теран англаш, ижтимоий бурчни чуқур ҳис этишга чорламоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бугун барчамиздан давр талаби ва руҳини теран англашни талаб этмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси олдида турган вазифалар ҳақида «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик» мавзуидаги форумда атрофлича фикр юритилди

Иштирокчилар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Симпозиумлар саройида ўтказилган форумга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотларнинг мутасаддилари, касаба уюшмалари органлари вакиллари таклиф этилди.

Форум иштирокчилари Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини олиб боришнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, бу борада ижтимоий шерикликни кучайтириш орқали касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қ.Рафиқов, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.Абдуҳакимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясининг улкан аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Ҳаракатлар стратегиясида жамият ҳаётининг турли жабҳалари каби ижтимоий соҳа тараққиётининг барча муҳим жиҳатлари қамраб олинган. Унда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини таъминлаш каби масалалар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қулай, хавфсиз иш шароитларини яратиш, аҳолининг барча қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ёш оилалар учун имтиёзли кредитлар ажратиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, касаначиликни ривожлантириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг халқимизга мададкор бўлиш, одамларнинг оғирини енгил қилишга оид ташаббуслари Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган вазифаларда яққол намоён бўлмоқда, – дейди Ўзбекистон аграсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари Т.Бозоров. – Мамлакатимиз тараққиётининг янги ривожланиш босқичида ишга янгича муносабатда бўлиш, янгича тафаккур ва ёндашув талаб этилаётгани зиммамиздаги масъулиятни теран англашга ундамоқда.

– Бугунги давр талаби ташаббускорликка, ўз ишимизни пухта, сидқидилдан, талабчанлик билан бажаришга даъват этмоқда, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райҳон Носирова. – Фарзандларимизнинг меҳнатга муносабатини тўғри шакллантириш, меҳнат қонунчилигига оид миллий қонунчилигимиз билан яқиндан таништириш уларда истиқлол берган неъматларни асраб-авайлаш, қадрига етиш, яратилаётган имкониятларга муносиблик, шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

– Фаолиятимизда ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров. – Вилоятнинг олис туманларига бориб, ёшларнинг орзу-интилишлари, уларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўргандик. Бунинг натижасида кўплаб ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредитлар олиш, айримларнинг ота-онасини соғломлаштириш учун сиҳатгоҳларга йўлланма ажратиш, йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бир қатор амалий кўмак кўрсатилди.

Форумда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар белгиланиши билан бирга уларни амалга ошириш механизмлари ҳам муҳокама этилди.

Тадбирда Касаба уюшмалари федерациясининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда Кўмаклашиш дастури қабул қилинди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



ЯГОНА ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларига мутахассис кадрлар тайёрлашнинг асосий воситаси саналади. Мазкур тизим бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга таълим бериш, профессионаллик жиҳатидан қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, педагогик ва илмий кадрлар тайёрлаш масалаларида муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун номзодларни танлаб олиш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимига янгиликлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 26 майдаги қарорига асосан олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришнинг ягона танлов тизими жорий қилинди. Бу тизим, тест синовлари натижалари бўйича энг юқори балл тўплаган номзодлар орасидан олий ҳарбий таълим муассасаларини тўлдириш имконини беради.

– Ҳарбий билим юртига ўқишга кирувчи номзодларнинг умумтаълим даражасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Мудофаа вазирлиги Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳасан Халилов. – Шу боис академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида математика, физика, тарих, она тили ва чет тили фанларидан 100 ўқув соатидаги қўшимча факультатив машғулотлар ўтказиш бўйича ўқув дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, ягона танлов тизимининг жорий қилиниши миллий армиямиз сафларини ҳар тарафлама етук кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида мутахассислар ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимига киритилаётган бошқа янгилик ва ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб ўтишди.

Абдували СОДИҚОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

БУГУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

Фарзандлар камолотига юксак эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жорий йилда қабул қилинган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида ҳам айнан мана шу хайрли мақсад мужассам. Бугун ушбу ҳужжат асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Дастурнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда асосан уюшмаган ёшлар билан ишлаш борасидаги ишларни кўриб чиқишга, уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этишга, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур дастурда 8 та устувор йўналиш бўйича 100 та аниқ чора-тадбир белгиланган. Биргина уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун 16 та чора-тадбирлар кўзда тутилган. Шу кунларда дастур ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъуллигида ўқув муассасалари, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бу борадаги энг устувор вазифалардан бири сифатида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузалари мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш назарда тутилгани эътиборга молик. Шунинг учун тарғибот гуруҳлари шакллантирилди, маъруза матнлари ва слайдлар тайёрланди.

Ҳеч кимга сир эмаски, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, носоғлом ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари ҳали ҳамон учраб турибди. Бунинг олдини олиш учун эса, аввало, йигит-қизлар билан учрашиб, бу каби ҳолатларнинг аянчли оқибатларини тушунтириш лозим.

Шуларни ҳисобга олиб, дастурда қизлар ўртасида тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги саъй-ҳаракатларга Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот ва "Оила" илмий-амалий марказлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита бош-қош бўлмоқда.

Масалан, юқоридаги вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Келин ва қайнона муносабати", "Бахт совға қилинмайди, унга эришилади", "Оила ва никоҳ – муқаддас", "Эрта никоҳ – саломатлик ва оила заволи" каби рисола ҳамда қўлланмалар ишлаб чиқилиб нашрга тайёрланди.

Дастур асосида "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" шиори остида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари ҳам ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, жойларда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, уларни ушбу жараёнларга кенг жалб этиш имкониятини кенгайтирмоқда. Ҳозирга қадар 100 га яқин ана шундай учрашувлар ташкил этилган бўлиб, уларда салкам 19 мингдан ортиқ йигит-қиз қатнашган.

Умуман олганда, ушбу дастур вояга етмаган шахсларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олишга, юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда йигит-қизларнинг фаоллигини таъминлашга, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, соғлом эътиқодли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган.

Жасур СИРОЖЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси

Абитуриент – 2017

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ САРИ ҚАДАМЛАР

15 июнь куни мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш бошланди.



Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимини тубдан янгилаш борасидаги ислоҳотларда ўқитиш тизимининг барча бўғинларини сифат ва мазмун жиҳатдан янгилаш, билим даргоҳлари фаолиятини замон руҳига монанд йўлга қўйиш юзасидан амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан иқтисодиётнинг турли соҳалари учун талаб ва эҳтиёж юқори бўлган кадрларни тайёрлаш, ёшларнинг бандлигига алоҳида эътибор қаратиш, олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Президентимизнинг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унга кўра 2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота бакалаврлар учун 66 минг 316 нафардан иборат. Шу билан бирга, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Навоий давлат кончилик институтида махсус сиртқи бўлимларга ҳам абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш бошланди.

Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 26 августдаги "Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент автомобиль-йўллар институти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти этиб қайта ташкил этилган.

Мазкур институт қабул комиссияси масъул котиби Анвар Назаровнинг айтишича, бу йил бакалавриатга етти йўналиш бўйича ҳужжат қабул қилинса, улардан қиймат инжиниринги, шаҳар йўллари ва кўчалари мутахассиси, транспорт логистикаси каби янги йўналишлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда абитуриентларни касбларга тўғри йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кенг ва равон йўллар, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берувчи кўприклар барпо этилмоқда, – дейди Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи битирувчиси Азимжон Нурматов. – Замонавий транспорт иншоотлари одамларнинг оғирини енгил қилишга, иқтисодиёт ривожига хизмат қилмоқда. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишга оид касб мамлакатимиз тараққиёти учун жуда зарур мутахассисликка айланди. Шу соҳада пухта билим олишни орзу қиламан.

Абитуриентлар учун математика, физика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, хорижий тиллар бўйича консультатив машғулотлар жадвал асосида ташкил этилгани ёшлар билимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ташкил этилган қабул комиссияси ҳам ёшлар билан гавжум. Мамлакатимизда аграр соҳани жадал ривожлантириш, ер, сув ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш, бу борада илғор техника ва технологияларни жадал жорий этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётгани малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг янада ортишида асосий омил бўлмоқда.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Абдураҳим Бердиевнинг айтишича, бу йил бакалавриатнинг 25 таълим йўналиши бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Техника ва технологиялар техник экспертизаси ва маркетинги (қишлоқ ва сув хўжалигида), қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари техник сервиси, мелиоратив гидрогеология каби қатор янги йўналишлар жорий этилган.

– Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишига ҳужжат топширдим, – дейди ЎзА мухбирига андижонлик Баҳром Арзиев. – Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун ҳамма шароитлар яратилган. Буларнинг бари мавжуд имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланишни, тинимсиз ўқиб, изланишни талаб этмоқда.

Мазкур олий таълим даргоҳида ҳам ёшларга касб йўналишлари ҳақида тўлақонли маълумотлар бериш мақсадида турли баннер, плакатлар, инфокиосклар ўрнатилган. Бу ерда олий таълимга оид қонунчилик ҳужжатлари, қабул квоталари, абитуриентлар учун қўшимча маълумотлар эълонлар тахтасига қўйилган. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш компьютер техникаси билан таъминланган биноларда амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларига ҳужжатлар қабул қилиш 15 июлгача давом этади.

Н.УСМОНОВА

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ЮҚОРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Биологик (органик) деҳқончиликнинг институционал масалалари: ҳолати ва истиқболлари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мамлакатимизда табиий ресурслардан, жумладан, ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш долзарб масалалардан бири эканлиги, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари саломатлик учун фойдали микроэлементлар, турли биологик моддаларга бойлиги, кўп йиллик анъанавий деҳқончилик айнан органик маҳсулот етиштиришга мослашгани ва бу борадаги ишларни давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Органик қишлоқ хўжалиги – атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан биологик хилма-хилликни асрайдиган, экотизимни яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади.

Дунё мамлакатларида экологик тоза маҳсулот етиштиришга талаб тобора ортмоқда. Дунёда сертификатланган маҳсулотларнинг нархи қишлоқ хўжалигида кимёвий усулда етиштирилган маҳсулотларнинг нархидан ўртача 20 фоиз ва ундан юқори туради. Бу юртимиз фермерлари учун янги экспорт имкониятларини очади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Унда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш вазифалари белгилангани бунинг ёрқин исботидир.

Илмий-амалий семинарда органик деҳқончиликнинг истиқболларини таъминлашда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, фан ва амалиёт ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, таълим сифатини таъминлашда "Таълим-фан ва амалий тажриба негизида" тамойилини қўллаш алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди.

Тадбир якунида "Энг яхши илмий иш" танлови натижалари эълон қилинди. Унинг ғолиблари совғалар билан тақдирланди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ЭЗГУ ИШЛАРГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялашда оиланинг, қолаверса, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ёшларни баркамол қилиб вояга етказишда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар: эришилган натижа ва муаммолар" мавзуидаги матбуот анжуманида шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги асосида тизимли равишда ишлар амалга ошириб келинмоқда. Улар орасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ўсмирлар орасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм каби иллатларнинг олди олинмоқда. Ёшларни спортга кенг жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосийси, ушбу ҳамкорлик ёшлар тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг уйғун фаолиятини жонлантириб, таълим-тарбия тизимида жамоатчилик назоратини самарали ўрнатишда ҳам кўл келаётир.

Айни пайтда ушбу ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳалла" фонди ва Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий тузилмалари ҳамда республикамиздаги ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида ҳамкорлик доирасида маҳаллаларда ва таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиш, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши, ўқишга қатнамайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича жами 50 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилди. Таълим муассасалари, маҳалла фаоллари томонидан мазкур оилалар фарзандларининг дарсларга тўлиқ қатнашиши, уларнинг таълим-тарбияси ва одоб-ахлоқини алоҳида назоратга олиш, тарбиясида нуқсони бор болаларни турли ижодий ўқув спорт тўгаракларига имтиёзли жалб этишга масъуллар бириктирилган.

